



ИНСОН КАПИТАЛИ НАЗАРИЯСИГА ИЛМИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВЛАР

Маннапов Хамид Муталович

Тошкент Давлат Технология Университети
"фалсафа ва Миллий Гоя" кафедраси доценти. Т.ф.н.,
Электрон почта: manopovXamid@gmail.com

Аннотация: Ҳар бир нарсанинг ўз тушунчаси, моҳияти мавжуд. Бундан ташқари баъзи тушунчалар олам ва одам ҳаётида чуқур аҳамият касб этшни бошласа, улар назарияга айланади. Инсон капитали ҳам шундай муҳим тушунчалардан ҳисобланади. Негаки, бугун жаҳонда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишни истовчи давлат ёки миллат аввало юксак интеллектуал салоҳиятли, билим ва тажрибага бой инсонларсиз на иқтисодий тараққиётга ва на илм-фан соҳасида сезирларли ютуққа эришолмайди. Жамият орасида инсон капитали ҳақида фикр уйғотиш учун эса у ҳақдаги назарияларни чуқур ўрганиш, улар асосида хулосага эга бўлиш лозим. Мазкур илмий тадқиқот ишида шу ҳақда фикр юритилган.

Калит сўзлар: Инсон капитали, сиёсий иқтисодиёт, касб-хунар, таълим, меҳнат, қобилият, салоҳият, инвестиция, даромад.

НАУЧНО-ФИЛОСОФСКИЕ ПОДХОДЫ К ТЕОРИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

Маннапов Хамид Муталович

Ташкентский государственный технологический университет
Доцент кафедры "Философия и национальная гоя", Т.Ф.Н.,
Электронная почта: manopovXamid@gmail.com

Аннотация: У всего есть свое понятие, сущность. Когда эти понятия начинают приобретать более глубокий смысл в жизни человека и мира, они становятся теорией. Человеческий капитал также считается одним из важных понятий. Потому что государство или нация, желающая занять достойное положение в мировом сообществе, не может добиться экономического и научного развития без людей с



высоким интеллектуальным потенциалом, знаниями и опытом. Чтобы пробудить общественное мнение о человеческом капитале, необходимо глубоко изучить теории и на их основе сделать выводы. Данная исследовательская работа посвящена этой теме.

Ключевые слова: человеческий капитал, политическая экономика, профессия, образование, труд, способности, потенциал, инвестиция, доход.

SCIENTIFIC AND PHILOSOPHICAL APPROACHES TO THE THEORY OF HUMAN CAPITAL

Mannapov Hamid Mutalovich

Tashkent State Technological Universities

Associate professor of the Department "philosophy and National goya", T. F. N.,

Email: manopovXamid@gmail.com

Annotation: As you know, everything has its own concept, essence. Besides when some concepts begin to take on a deeper meaning in the universe and in human life, they become a theory. Human capital is one such important concept. Because, a state or a nation that wants to take its rightful place in the world today cannot achieve economic development or significant achievements in science without people with high intellectual potential, knowledge and experience. In order to arouse public opinion about human capital, it is necessary to study the theories about it in depth and draw conclusions based on them. This is the subject of this research.

Key words: Human capital, political economy, profession, education, labor, ability, potential, income.

Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши жамиятда илм-фан ва маънавият-маърифат соҳаларининг жадаллашишига туртки бўлди. Шу боисдан илм-фанни ривожлантириш ва уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шу мазмундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 28 майида илм-фан ва олий



таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишланган махсус йиғилиши бўлиб ўтди. Давлат раҳбарининг мазкур нутқи ҳам бевосита “Асосий мақсад - мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш” дея номланди. Бундан кўришиб турибдики, инсон капитали мавзуси бугунги кунда ўрганилиши муҳим бўлган зарур илмий-тадқиқотлар жумласига киради. Зеро, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган айти пайтда инсон капитали ва уни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш долзарб масалага айланди. Инсон капитали терминининг тарихи ва унинг жамиятда оммалашшига назар ташлайдиган бўлсак, унинг XX асрда яна бир поғона юқорига чиққанлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий омили сифатида ўтган асрнинг охирида одамзоднинг постиндустриал жамиятга, яъни информацион ва инновацион технологиялар даврига қадам кўйишини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу эса айнан юқори билим даражаси ва малакасига эга инсон кучига бўлган талабни ҳар қачонгидан ҳам ошириб юборганлигини англатади.

Иқтисодчи олимлардан баъзилари инсон капиталига ёндашар экан, “инсон капитали бу ҳар битта одамдаги билимлар, қобилиятлар йиғиндисидир”, деган хулосага келишган [1 С-4]. Келгусида фойда келтиришини инобатга олиб, унга капиталид еб қаралади. Эътиборли жиҳати шундаки, у инсон билан узвий боғлиқ ҳамда унинг ажралмас қисми бўлганлиги боис унга инсоний капитал сифатида қаралади. Ҳуда шундай ёндашувлардан бири С.Фишер, К.Шламензи ва Р.Дорнбушларга тегишли бўлиб, улар “Экономикс” журналида ўзларининг қуйидаги фикрларини баён қилганлар: “Инсон капитали – инсонда ўз аксини топа олган ва ўз эгасига даромад олиб келувчи ўлчов ҳисобланади” [2 С-303].

Таълим Адам Смит томонидан мамлакат бойлигини оширадиган асосий омиллар рўйхатига киритилади. Унинг бу фикрлари ҳозир ҳам шуниси билан аҳамиятлики, А.Смит томонидан илгари сурилган моддий капитални қайта ишлаб чиқариш жараёни билан инсон қобилияти ўртасидаги ўзгаришлар ва фарқларни аниқлаб беради. А.Смит айтадики, инсон маълум касб ёки ҳунар ўрганиш учун катта меҳнат ҳамда кўп вақт сарфлашини худдики унинг қимматбаҳо буюмга эга бўлишига



қиёслайди. Бу билан у айнан инсоннинг билими, кўникма ва ёки қобилиятларининг ўзини бойликка тенглаштиради.

А.Смит қарашларини классик сиёсий иқтисодиёт вакили ҳисобланган Давид Рикардо қўллаб-қувватлайди. У “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг ибтидоси” номли ўз асарида давлатлар ўртасидаги иқтисодий фарқ ва қатор мамлакатларнинг ортида қолиши сабабини алоҳа қатламлари орасида саводлиликнинг етарли бўлмайдигани билан изоҳлайди [3 С-89].

Таълим олиш, ишлаб чиқариш тажрибасини жамғариш, соғлиқни сақлаш, ахборот излаш инсон капиталига бўлган инвестицияни ташкил этади. Таълим ва касбга тайёргарлик инсоннинг билим даражасини оширади, яъни инсон капитали ҳажмини оширади. Инсоннинг ўлим кўрсаткичларини пасайтириб, унинг хизмат қилиш қилиш муддатини узайтирувчи энг муҳим факторлардан бири бу соғлиқни сақлаш жараёнидир. Ишчи кучининг нисбатан юқорироқ баҳоланувчи жойларга ва соҳаларга ҳаракатланиш жараёни яъни инсон капиталининг юқорироқ баҳоланиши эса миграция деб аталади. Агар ўйлаб кўрадиган бўлсак, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари узок муддат мавжуд бўлиб туриш хусусиятига эга. Таълим жараёнининг маҳсули ўлароқ, юқори малакали, қобилиятли, янги ҳислатларни ўзида мужассам этган капитал – янги ишчи кучи вужудга келади. Инсоннинг меҳнат қилиш имкониятларини узайтириш эса соғлиқни сақлаш тизими зиммасиша тушади. Шу билан бирга яна миграция, маълумот олиш каби қисқа муддатли омиллар ҳам мавжуд бўлиб, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ишчи кучи нархининг ўсишига хизмат қилса, миграция ишчи кучи нархини унинг қаймати атрофида тебранишини таъминлайди.

Инсоннинг жисмоний, ақлий ва ижодий имкониятларининг ортиши жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи сифатида намоён бўлади, дея таъкидлаган К.Маркс. У ўз фикрини давом эттириб, у ҳақиқий бойликдир, бошқа бойликлар эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўтқинчи лаҳзасидир дейди. Инсон қобилиятларининг ўсишини асосий капитал ишлаб чиқарилиш дея қараш мумкин. Негаки, асосий капиталнинг ўзи бу инсондир [4 С-182-183].



С. А. Дятлов инсон капитали деб, “жамоат такрор ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадли фойдаланиладиган ва меҳнат ва ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўз навбатида ушбу инсон даромадининг ошишига таъсир этувчи инвестициялар натижасида шаклланган ва инсон томонидан тўпланган соғлиқ, малака, қобилият ва мотивациялар захираси тушунилади” [5 С-83].

Машҳур классик давр иқтисодиётчилари шу тариқа инсон капитали назариясининг методологик асосини ишлаб чиқдилар. Уларнинг олиб борган тадқиқотлари шунга асосланганки, инсондаги малака капитализмнинг бош фактори ҳисобланади. Бунда инсон меҳнати унинг билим ва малакасини ошириш учун киритилган сармоядан кўпроқ даромад келтиради. Инсоннинг билим олиши, тажриб орттиришига кетадиган маблағларнинг инвестицион табиатга эга эканлиги тўғрисидаги ғоялар моддий капитални ишлаб чиқариш жараёни ҳамда одамнинг сермахсул қобилиятлари ўртасида аналогия ўтказиш учун методологик жиҳатдан асос ҳисобланади.

Ф.Мачлуп бу ёндашувни қуйидагича ифодалайди: “инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятини кўпайтирувчи инвестициялар натижасида янада самардор бўладиган мукамал меҳнатдан номукамал меҳнатни ажратиш керак. Бундай мукамаллашув инсон капиталини ташкил этади” [6 С-419].

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрлари инсон капиталининг таърифларини бирлаштиради. Жумладан, М.Блауг инсон капитали инсонларнинг ўз қиймати эмас, балки, унга инвестиция сифатида киритилган сармоялар асосида вужудга келган малака қийматидир [7 С-19].

С.А.Курганский таърифнинг ифодаланишини бироз ўзгартириб: “инсон капитали инсон томонидан тўпланган ва инвестиция натижасида шаклланган қобилият ва сифатлар ўлчовидир улардан мақсадли фойдаланиш меҳнат самардорлигининг ва даромаднинг ошишига олиб келади”- дейди [8 С-97].

Ишлаб чиқариш жараёни давомида инсон капитали моддий капитал билан доимо ўзаро муносабатда бўлади. Келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, инсон капитали ва моддий капитали ўртасидаги ўхшашликларни аниқлаб олиш мумкин. Қуйида ушбу ўхшашликлар ҳақида фикр юртилади:



- Бозор иқтисодиёти жараёнида фойда келтириб, такрор ишлаб чиқаришнинг асосий факторлари сифатида юзага чиқади;
- Ўзаро муносабатларга ялпи ишлаб чиқаришнинг капитали сифатида киришади;
- Ҳар икки турдаги капиталга киритилган сармоялар узоқ вақт мобайнида даромад келтириб туради;
- Иккала капитал ҳам тўплана бориб захирага айланади;
- Ушбу капиталларнинг шаклланишига сармоя зарур;
- Иккала капитал ҳам пулли қиймат кўринишига эга бўлиб, улардан пулли ёки натурал тарзда фойдаланиш мумкин бўлади;
- Ҳар иккала капитал ҳам маънавий ва жисмоний томонлама эскириш хусусиятига эгадир.

Инсон капитали тушунчасининг моҳиятини унга маъно жиҳатдан яқин бўлган ишчи кучи, инсон салоҳияти ва инсон омиллари каби тушунчалар билан қиёсий ҳолда таҳлил қилиб кўрайлик.

Ишчи кучи иқтисодий категория сифатида инсоннинг меҳнатга бўлган барча жисмоний, ақлий ва маънавий қобилиятларининг йиғиндисини ифодалайди.

Инсон салоҳияти (потенциали) бу “ҳаракатга келтирилиши мумкин бўлган ва қўйилган мақсадга эришишда келиб чиқадиган вазифаларни ечишда ишлатилиши мумкин бўлган имкониятлар, манбалар, воситалар, захиралар ва бошқалар йиғиндисидир; жамият алоҳида аъзосининг, давлатнинг маълум бир соҳадаги имкониятлари” [9 С-510]. Булар инвестиция қабул қилмаган қобилиятлардир. Инвестиция натижасида шакллантирилган ва ривожлантирилган қобилиятларни эса инсон капитали деб, қабул қилишимиз мумкин.

Асримизнинг аввалида олимлар ҳар бир одамва бутун аҳолининг қийматини аниқлашга ҳаракат қилдилар. Бунинг сабаби мамлакатлар ҳукуматларининг талаби ҳамда иқтисодий зарурият эди. Бу бўйича олиб борилган тадқиқотлар назарий аҳамият касб этди. Қизиғи шундаки, баъзи олимлар биринчи жаҳон урушидаги йўқотишларни инсон капитали қиймати орқали баҳолашга уриндилар. И.Гиётнинг фикрича, сапитал – бу инсоннинг ўзидир. Инсоннинг ўлими фақатгина гуманизм



соҳаси учун эмас, балки жамият иқтисодий ҳаёти учун ҳам йўқотиш бўлишини таъкидладилар [10].

Аслида инсон капиталини моддий капиталдан ажратиб турувчи бир қатор хусусиятлар мавжуд. Ҳозирги кунда инсон капитали жамиятнинг асосий бойлиги ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилидир. Негаки, фақат инсон капиталигина эски қийматларни сақлаган ҳолда янги қийматларни шакллантириш хусусиятига эга. Таҳлиллар натижасида инсон капиталининг моддий капиталдан қуйидаги фарқли жиҳатлари ажратилди:

- уни инсондан (яъни, унинг ташувчисидан) ажратиб бўлмайди. Шу сабабли алмашинувда инсон капиталидан фойдаланиш натижасигина иштирок этади;
- амал қилиш даврида фарқланади.

Тадқиқотлар натижасида Г.Боаг шундай хулосага келади, моддий ва инсон капитали ўртасида ажралмасалоқа мавжуд. Шунингдек, у инсон капиталини баҳолашда меҳнатга тўланадиган маошни капиталлаштириш усулидан фойдаланишмаъқул вариант бўлишини таъкидлаган. Негаки шу йўл билан моддий нарсаларнинг баҳосини ҳам белгилаш мумкин бўлади.

Н.Сениор эса Г.Боагнинг ишлаб чиқаришдаги ҳақ тўлаш орқали инсон капиталини баҳолаш таклифи жуда мушкул эканлиги ҳақидаги ўз фикрларини олға суради. Бунинг сабабини у худдики одамнинг умри давомида таълим олиши ва яшаши учун қанча маблағ кетишини аниқ айтиш қийин бўлгани каби, кишиларнинг қобилияти, билими ва малакасига қараб қанча фойда олишини билмаслиги билан изоҳлайди [11].

Моддий капиталнинг, одатда умри нисбатан узокроқ ҳисобланади. Мисол қилиб келтирадиган бўлсак, инсондаги билим, кўникмава малакалар унинг вафот этиши билан якун топганини кўрсак, пул ёки бошқа моддий шаклдаги қимматликлар эса ўз қийматини йўқотмай, ҳар доим сақланиб қолади. Бироқ, бу ҳолат ҳам нисбий ҳисобланади. Негаки, ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлоднинг моддий шаклдаги қийматликларини қабул қилиб олиш билан бирга, уларни бойитишга ўз ҳиссасини ҳам қўшади. Инсон капитали бўйича ҳам бу қоида амал қилади. Одамда қондан-қонга ўтувчи ўзига хос “мерос” мавжуд бўлади. Лекин, шунга қарамай, ҳар бир хонадон



аъзолари ўзфарзандларини ўқитиш, илм ўргатиш, касб-хунарга йўналтириш учун талайгина сарф-ҳаражатларни амалга оширади. Шундан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, инсон капиталининг шаклланиш жараёни ҳам тўхтовсиз давом этувчи воқелик ҳисоблананди [12 С-111].

Инсон капитали салоҳият доирасида шаклланади, инсон капиталининг шаклланиши эса, моҳиятан инсон салоҳиятининг ривожланиши демакдир. Булар паралел жараёнлар бўлиб, амалда бир жараёнга бирикиб кетадилар. Ҳақиқатдан ҳам инсон капиталини шакллантириш бўйича чора тадбирлар таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар ҳисобига кишиларнинг меҳнат сифатларини ошириш билан бирга умумий ҳолда инсон салоҳиятининг ривожланишига асос бўлади. Бунга қарамай иккала жараённи бир биридан ажратиб турувчи хусусиятлари ҳам мавжуд. Инсоннинг кўп қиррали қобилиятлари вақт ўтиши билан тўплана бориб охири салоҳиятга айланади. Бу барча соҳаларда – иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ва сиёсий соҳаларда намоён бўлади. Инсон капиталининг шаклланиши бу жараёндан бир мунча фарқ қилиб, бу ишлаб чиқариш доирасида қўлланади.

“Инсон салоҳияти” “инсон капиталига” қараганда кенгроқ тушунчадир. Чунки инсон салоҳиятининг маълум бир қисмигина маълум бир шароитлар натижасида инсон капиталига айланади. Т.И.Волкованинг эътирофи эитишича: “умумий ҳолатда иқтисодиётнинг ривожланиши, хусусий ҳолатда жамоат ишлаб чиқаришининг ривожланиш жараёни маълум бир босқичда фақатгина салоҳият даражасида бўлган у ёки бу тизим тўпланган имконият ва омилларининг амалда ўз аксини топиши демакдир” [13 С-16].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “салоҳият”ни ҳозирча амалга ошмаган меҳнат қобилиятлари сифатида ифодалашимиз мумкин. Инсон капитали ундан фарқли равишда меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг реал жараёни давомида ўз аксини топади. Аниқлик учун инсон капитали тўпланиши ва инсон салоҳиятининг ривожланиши тушунчаларини таққослаб кўрайлик. Албатта бу икки жараён бир-бирини тақозо этувчи ва тўлдирувчи хусусиятга эгадир.

Ниҳоят инсон салоҳияти ривожланишининг бош мақсади ижтимоий самарага эришиш бўлса (инсон салоҳияти ривожланиш индекси асосий кўрсаткич



ҳисобланиб, аҳоли таълим даражасини ошириш, ўрта умр кўриш даражасини ошириш ва бошқаларни назарда тутуди), инсон капиталининг тўпланиши авваламбор, иқтисодий самарани, яъни бевосита муносабат қатнашчилари (тадбиркор ва ишчи)нинг фойда ва даромадларини кўзлайди. Шундай қилиб “инсон капитали” тушунчасининг мустақил категория сифатида мавжуд бўлишга тўла қонли равишда ҳақли эканлигини асослаб беришга ҳаракат қилдик.

Буни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: “XXI аср – интеллектуал тафаккур асрида инсон капиталига инвестиция йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат шундай жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади [14].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Общество и экономика. 1993, № 9 –10.-С.4.
2. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи К. Экономикс. -М.: Дело, 1993. -С.303.
3. Рикардо Д. Сочинения.- Т.1., М.: Госполитиздат, 1955. с. 89.
4. Маркс К. Капитал. Критика политической экономии / Маркс К., Энгельс Ф. Соч. 2-е изд., т.49. - М.: Политиздат, 1974. с. 182-183. 8
5. Дятлов С.А. Основы теории человеческого капитала. -СПб: Изд-во УЭФ, 1994.-С.83.
6. Machlup F.The Economics of Information and Human Capital.-Princeton, 1984.-P.419.
7. Vlaug M.An Introduction to the Economics of education.-London, 1970. -P.19.
8. Курганский С.А. Человеческий капитал: сущность, структура, оценки. – Иркутск, 1999.-С.97.
9. Большой экономический словарь/ Общ. ред. А.Н.Азрилияна. -М.: Фонд «Правовая культура», 1994. -С. 510.
10. Корицкий А.В. Введение в теорию человеческого капитала., Сиб УПК, www.sibupk.nsk.su



11. Корицкий А.В. Введение в теорию человеческого капитала., Сиб УПК, www.sibupk.nsk.su
12. Кларк Ж.Б. Распределение богатства. -М.-Л.,1934. -С. 111.
13. Волкова Т.И. Воспроизводство творческого потенциала науки. Екатеринбург: Институт экономики УрРАН, 2004.С.16.
14. I.A.Karimov: “Yuksak bilimli va intellectual rivojlangan avlodni tarbiyalash – mamlakatni barqaror taraqqiy ettirish va modernizatsiya qilishning eng muhim sharti” mavzusidagi xalqaro konferensiyaning yakuniy hujjati – rezolyutsiyasi. “Xalq so’zi”, 2012-yil, 22-fevral.

